2

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 16 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 261 (13.324)

Баҳоси эркин нархда

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

2016 йил 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Нурсултон Назарбоев ва қардош Қозоғистон халқини тарихий сана – Қозоғистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий табриклади.

Ўз навбатида Қозоғистон Президенти Ўзбекистон раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришгани билан муборакбод этди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон –Қозоғистон ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган қатор минтақавий ва халқаро долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳалари бўйича амалий, ишончли ва очиқ мулоқотни давом эттиришга қатъий ишонч билдирдилар.

Нурсултон Назарбоев Шавкат Мирзиёевни ўзига қулай вақтда Қозоғистонга давлат ташрифи билан келишни таклиф этди.

Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Суҳбат анъанавий дўстлик, ҳамфикрлик, ўзаро ҳурмат ва самимият руҳида ўтди.

ЎзА

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноб Президент!

Франция халқи ва шахсан ўз номимдан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан табриклаб, давлат раҳбари сифатида масъулиятли фаолиятингизда ва мамлакатда кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда улкан муваффақиятлар тилайман. Шу муносабат билан Сизни Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган ўзаро ҳамкорлигимизни, хусусан, иқтисодиёт ва транспорт соҳаларида икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун Руминия тайёрлигига ишонтираман.

Муҳтарам жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Клаус-Вернер ЙОХАННИС,
Руминия Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан муборакбод этиб, Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизга муваффақиятлар тилайман. Шу муносабат билан Сизни Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қиладиган ўзаро ҳамкорлигимизни, хусусан, иқтисодиёт ва транспорт соҳаларида икки томонлама муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун Руминия тайёрлигига ишонтираман.

Муҳтарам жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Клаус-Вернер ЙОХАННИС,
Руминия Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан Сизнинг 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Президент сайловида ғалаба қозонганингиз билан самимий табриклайман.

Ҳиндистон билан Ўзбекистонни мустаҳкам тарихий ва маданий алоқалар боғлаб туради ва биз буни юксак қадрлаймиз. Яқинда икки томонлама алоқаларимиз биргаликдаги манфаатларимиз ва устувор мақсадларимизни ифода этадиган стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Сиз, Жаноби Олийлари билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли икки томонлама шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун ҳамкорликда ишлашга умид қиламан.

2015 йилнинг июль ва шу йил июнь ойида гўзал Ўзбекистонга ташрифим давомидаги учрашувларимизни мамнуният билан эслайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Нарендра МОДИ,
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Қатар Давлати ва шахсан ўз номимдан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин дилдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига тинчлик-омонлик, қардош Ўзбекистон халқига янада фаровонлик ва тараққиёт тилайман. Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканимизни таъкидлаймиз.

Юксак эҳтиром билан,

Тамим бин Ҳамад Ол СОНИЙ,
Қатар Давлати Амири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий қутлаб, мамлакатингиз барқарорлиги ва фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаш менга мамнуният бахш этади.

Мамлакатингизда бўлиб ўтган сайлов ва мазкур тадбирда сайловчиларнинг фаол иштироки Ўзбекистон халқининг буюк келажак сари интилишига ёрқин мисол бўла олади.

Аминманки, 1992 йил январь ойида ўрнатилган – 25 йиллик тарихга эга дипломатик муносабатларимиз ҳамда халқларимизни боғлаб турувчи узоқ муддатли дўстона алоқаларимиз Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда янада ривожланиб бораверади.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва масъулиятли фаолиятингизда зафарлар, Ўзбекистон халқига Сизнинг одилона раҳнамолигингизда тинчлик-тотувлик ва равнақ тилаб қоламан.

Абдулфаттоҳ ас-СИСИ,
Миср Араб Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришганингиз билан чин дилдан табриклайман.

Сизга энг самимий истакларимни йўллайман, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳурмат билан,

Карл XVI ГУСТАВ,
Швеция Қироли

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз, Жаноби Олийларини Исроил халқи ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Сизга ушбу масъулиятли вазифани бажаришда улкан муваффақиятлар тилайман ва Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Эҳтиром билан,

Реувен РИВЛИН,
Исроил Давлати Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Шавкат Миромонович!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонганингиз билан чин дилдан табриклайман.

Президент лавозимидаги фаолиятингиз Ўзбекистоннинг янада ривожланиши ва тараққий этишида янги босқични бошлаб беради, халқларимиз ва давлатларимиз фаровонлиги йўлида Грузия – Ўзбекистон муносабатларига янги суръат бағишлайди, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, менга йўллаган табригингиз ва самимий тилакларингиз учун миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизга мустаҳкам соғлик, юксак ва масъулиятли давлат лавозимидаги фаолиятингизга зафарлар тилайман.

Эҳтиром билан,

Георгий КВИРИКАШВИЛИ,
Грузия Бош вазири

Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўллаган:

Қатар Давлати Амирининг ўринбосари – **Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний**

Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири – **Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**

Қирғизистон Республикаси Бош вазири – **Сооронбай Жээнбеков**

Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси – **Таро Асо**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби – **Юсуф Ал-Усаймин**

Ислом тараққиёт банки президенти – **Бандар Ҳажар**

ЕХҲТ Парламент ассамблеяси раиси – **Кристин Муттонен**

Миграция бўйича халқаро ташкилот бош директори – **Ульям Лейси Свинг**

Хитой миллий нефтгаз корпорацияси директорлар кенгаши раиси – **Ван Илинь**

"Мицубиши Корпорейшн" компанияси президенти ва бош ижрочи директори – **Такехико Какиучи**

"Фужицу" компанияси президенти – **Тацуя Танака**

"Поско ДЭУ" компанияси президенти – **Ким Ёнг Санг**

"Риетер холдинг" компанияси ижрочи директори – **Норберт Клаппер**

"Ван де Виль" компанияси бош ижрочи директори – **Чарльз Бодуин**

Васеда университети президенти – **Каору Камата**

Тошкент ва Ўзбекистон митрополити, Ўрта Осиё митрополит округи раҳбари – **Викентий**

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий мувофиқлаштирувчиси – **Стефан Приснер**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 15 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида, ижтимоий соҳаларда муайян натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича йирик лойиҳаларни бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг улкан хизматлари ҳақида алоҳида тўхталди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 106,9 фоизни, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 106,8 фоиз, хизмат кўрсатиш ҳажми 116,3 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 6,4 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятда амалга оширилаётган ишларни қайд этиш билан бирга, галдаги вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш асосида йириклаштириш, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини янада яхшилаш лозим. Пировардида қишлоқ аҳолисининг даромади ва турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, замонавий инфратузилмаларни янада ривожлантириш имконияти кенгаяди. Бу борада Тошкент вилоятида барча имкониятлар мавжуд, деди давлатимиз раҳбари.

Пойтахт вилояти ерининг унумдорлиги, ҳосилдорлиги билан республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш учун ерни ҳақиқий деҳқонга, фермер бўламан, деб кўзи ёниб турган миришкорларга бериш керак. Деҳқон бой бўлса, давлат бой бўлади, деди Президентимиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги "2016-2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори пойтахт вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилди.

Танқид ва таҳлил руҳида ўтган йиғилишда Президентимиз Тошкент вилояти ёшларини иш билан таъминлаш борасида сусткашликка йўл қўйилаётгани, коллеж ўқувчиларининг давомати назоратсиз қолаётганини қайд этар экан, мутасаддилар бу масалага алоҳида эътибор қаратиши зарурлигини таъкидлади.

Вилоят ҳудудида фойдаланилмай турган бино ва иншоотларни инвестиция киритиш шарти билан "ноль" қийматда сотиш бўйича берилган топшириқларни ўз вақтида бажармагани учун Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д.Ҳидоятовга ҳайфсан берилди.

Тошкент вилояти – катта иқтисодий салоҳиятга, улкан имкониятларга эга ҳудуд. Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига жалб этишни муттасил ошириб бориш зарур, деди Президентимиз.

Йиғилишда вилоятни барча соҳаларда янада ривожлантириш, саноат салоҳиятини ошириш, ижтимоий инфратузилмасини модернизация қилиш масалалари таҳлил этилди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ислом Эргашхўжаев вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Ангрен шина заводи директори лавозимида ишлаб келаётган Шукурулло Бобоев Тошкент вилояти ҳокими этиб сайланди.

Меҳнат фахрийси Уммат Мирзақулов, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти директори Александр Фармонов, Пискент тумани ҳокими Акмалжон Исабоев ва бошқалар Президентимиз нутқида Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, истиқболдаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислоҳотлар самарасини янада юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

А.ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 15 декабрь куни халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Сирдарё вилояти ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 9 мартдаги фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган 2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастури улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига асос бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда янги уй-жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқда.

Сирдарё иссиқлик электр станцияси, "Жиззах" эркин иқтисодий зонасининг Сирдарё филиали мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутмоқда. "Река мед фарм" ва "Гулистон медтехника" қўшма корхоналари, "Бек" бирлашмасида ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилмоқда.

Сессияда асосий эътибор Сирдарё вилоятида амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга қаратилди.

Халқимиз билдирган ишончни оқлаш учун эскича услубда ишлашга ҳаққимиз йўқ. Одамлар янада яхши яшаши учун биздан катта ўзгаришлар, натижалар кутмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, туманларни субвенциядан чиқариш, янги корхоналар ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш бўйича белгиланган истиқболли лойиҳалар ижроси кўриб чиқилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида келгуси тўрт йилда вилоятга давлат бюджетидан 391 миллиард сўм маблағ ажратилгани таъкидланди.

Президентимиз вилоятда эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтди.

Бугун Сирдарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари бизни қониқтирмайди, деди давлатимиз раҳбари. Фикримизнинг тасдиғини биргина Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига ўтган 2 ойда вилоят фуқароларидан 2 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушгани ва шундан атиги 793 таси ижобий ҳал қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин. Мана шунинг ўзи Сирдарё вилояти раҳбарларига берилган баҳодир. Бу нафақат вилоят раҳбарияти, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ҳам айби, десак адолатдан бўлади. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмаётгани оқибатида уларнинг 930 таси фаолият кўрсатмаётгани танқид қилинди.

Маҳсулот ва хизматлар экспорти масаласи ҳам талаб даражасида эмас. Ўтган 11 ой давомида бу борадаги прогноз режаси 77,9 фоизга бажарилган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ойбек Ашурматов Сирдарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти девони масъул ходими вазифасида ишлаб келаётган Ғофуржон Мирзаев Сирдарё вилояти ҳокими этиб сайланди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сирдарё вилояти ҳудудий бўлинмаси директори Солижон Қудратов, Сирдарё тумани ҳокими Собиржон Назаров, Оқолтин тумани ҳокими Ҳамробой Раззоқов, Сайхунобод тумани ҳокими Носир Эгамбердиев ва бошқалар Президентимиз нутқида Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, бошқарув тизимидаги раҳбарларнинг масъулияти ва жавобгарлигини оширишга қаратилган долзарб вазифалар белгилаб берилганини, вилоят аҳолиси билдирилган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

А.САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан "Корпоратив бошқарув ва замонавий маркетинг" мавзуида ўқув-семинар ўтказилди. Ўқув-семинар иштирокчилари корпоратив бошқарувнинг мазмун-моҳияти, бозор имкониятини таҳлил қилиш, маркетинг комплексини ишлаб чиқиш, мақсадли бозорни танлаб олиш, маркетинг ишларини ҳаётга татбиқ этиш хусусида атрофлича маълумотга эга бўлди.

● Наманганда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунини амалиётга татбиқ этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда вилоятда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқув маркази ташкил этиш, корхона ва ташкилотларнинг шу соҳа бўйича масъул ходимлари малакасини ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

● Янги йил байрами олдидан Тошкент вилояти туман ва шаҳарларидаги деҳқон бозорларида 43 савдо ярмаркаси ташкил этилди. Уларнинг самарали фаолият олиб бориши учун 450 дан зиёд савдо растаси ажратилди. Жойларда ташкил этилаётган бундай савдо ярмаркалари бозорларимиз тўкинлиги, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш билан бирга, халқимизга байрамона кайфият бағишламоқда.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейи ходими томонидан италиялик олим ва рассом Леонардо да Винчига тегишли суратнинг хомаки нусхаси топилди. Ушбу суратда авлиё Себастьяннинг ўлими тасвирланган. Сурат чапақай рассом томонидан 1482 ва 1485 йиллар оралиғида, Италияда Ренессанс даврида чизилган. Мазкур асар 15,8 миллион АҚШ долларига баҳоланди.

● Ҳавонинг ёмонлигидан азият чекаётган Афина, Мехико, Мадрид ва Париж мэрлари Мексикада бўлиб ўтган дунё шаҳарлари етакчилари учрашувида дизель ёқилғисида ишловчи енгил ва юк машиналарини тақиқлаш тўғрисида келишиб олдилар. Келишув электромобиль гибрид ва водородда ишловчи машиналарни қўллаб, шаҳарлардаги сайилгоҳ ҳудудларда велосипедлар учун инфратузилмаларни ривожлантиришни ўз ичига олади.

Бугунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, тараққиётимиз ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчига, миллий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурди. Мазкур соҳа, шунингдек, бозор ўзгаришларига мослашувчанлиги, янги ғояларни ҳаётга тез татбиқ эта олиши, иқтисодиётга инновацион технологияларни жорий қилишда қулайлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда уларга нафақат қонунчилик асосида мустаҳкамланган кафолатлар яратилмоқда, балки уларнинг ижроси доимий эътиборда.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Бугун мамлакатимизда мавжуд хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этаётир. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 56,7 фоизга етгани, иш билан банд аҳолининг қарийб 78 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилаётгани мазкур тармоқнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигидан яққол далолат беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш асосий устувор масалалардан бири сифатида белгиланди. Мазкур вазифани бажариш жараёнида қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш ҳамда тадбиркорлар фаолиятида дуч келадиган турли тўсиқларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу мақсадда, аввало, Президентимиз ташаббуси билан 1990 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди.

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада жадаллаштириш ва давлат, хўжалик ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш учун эса Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш Давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастурнинг асосий вазифалари ҳамда йўналишларини босқичма-босқич ижро этиш, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни жадал ривожлантириш асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил қилиш, соҳага кредит ресурсларини ажратиш ва хорижий сармояларни киритиш учун мақбул шароит яратиш мақсадида 1996 йил 9 июлда Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарори, 1998 йил 9 апрелда давлатимиз раҳбарининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони имзоланди.

Ўз навбатида, юртимизда 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилингани, шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилингани соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Негаки, мазкур дастур доирасида ҳудудларда тадбиркорликни амалга ошириш учун қулай муҳит яратилиб, бюрократик тўсиқларнинг сезиларли даражада бартараф этилишига эришилди, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб, бу борада ишончли кафолатлар тизими вужудга келтирилди. Хусусан, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва бошқа нормаларини қисқартириш, бюрократик тўсиқ ҳамда ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молиякредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор механизмлари ишлаб чиқилди.

Ана шундай кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида шу йил 5 октябрь куни имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга қаратилган тарихий ҳужжат бўлди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойили соҳа вакилларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Фармон билан бу тамойилни тўлиқ рўёбга чиқариш механизми янада мустаҳкамланди. Давлат органлари, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар бу тамойилнинг сўзсиз амалга оширилишига бевосита масъул этиб тайинланди. Тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ёки тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди. Айни пайтда давлат органи вакилининг ноқонуний хатти-ҳаракати оқибатида тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита унинг ўзидан ундирилишини таъминлаш мажбурияти юкланганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Фармоннинг энг муҳим жиҳатидан бири — 2017 йилдан бошлаб юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширишлардан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Энди жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларни ўтказишга ҳам йўл қўйилмайди. Булар, ўз навбатида, хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинлиги кафолати сифатида хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик соҳасида қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилиш билан бир қаторда, иқтисодиётимизнинг юксалишига ҳам хизмат қилади.

Маъмуржон ТЎЙЧИЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Пойтахтимизда "Ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда бошқа манфаатдор идора ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, судьялар, олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, шунингдек, ЕХҲТ, "Минтақавий мулоқот" ташкилотларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, чет давлатлар прокуратуралари вакиллари, халқаро экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, қабул қилинаётган қонунларни аҳолига етказиш, уларнинг ижро этилиши устидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини жорий қилиш, ушбу йўналишдаги миллий ҳамда илғор хориж тажрибасини ўрганиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари С.Ортиқова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғи Ш.Узоқов ва бошқалар жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқлигини таъкидлади. Мамлакатимизда бу масалага доимий эътибор қаратилиб, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда мамлакатимизнинг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Давра суҳбатида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"ни янги таҳрирда тайёрлаш, юридик таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

– Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш ва юксалтириш ҳар бир жамият учун долзарб масалалардан ҳисобланади, – деди Бостон коллежи ҳуқуқ мактаби профессори, Массачусетс штати Миделсекс округи прокуратураси қошидаги жюри директори Кевин Кёртин (АҚШ). – Ўзбекистонда бу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётгани, ушбу мақсадга хизмат қилаётган Миллий дастур мавжудлиги ва у такомиллаштирилаётгани диққатга сазовор.

Тадбир доирасида Бош прокуратурада жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ахборот хизматлари ва ҳуқуқий босма нашрларнинг роли, замонавий талаблар ҳамда стандартлардан келиб чиққан ҳолда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларини муҳокама қилишга бағишланган учрашувлар ўтказилди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтказилган халқаро давра суҳбатида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга оид миллий ва хорижий тажриба чуқур таҳлил этилди.

Тадбир иштирокчилари "Адолат" нашриёти томонидан ташкил этилган китоблар ярмаркаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва "Юрида" масъулияти чекланган жамиятининг ахборот материаллари экспозицияси, "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо маркази китоб фондининг юридик адабиётлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази нашрлари билан танишди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан "Ўзбекистонда биогаз энергетикасини ривожлантириш истиқболлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизда биогаз энергетикасига оид лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланиб келаётган халқаро ташкилотлар экспертлари, соҳа мутахассислари, бизнес доиралари, тегишли вазирлик ва ташкилот вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Н.Дадахонова ва бошқалар мамлакатимизда табиий бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, экологик тоза иссиқлик энергия манбаларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бу борада Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 5 майдаги 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сиғимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида қуёш, шамол, биомасса каби энергия манбаларидан иборат бўлган муқобил энергетика секторини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Мамлакатимизда чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган 6 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлиб, улардан ҳар йили 6 миллион тоннадан ортиқ органик чиқиндилар ҳосил бўлади, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бўлим бошлиғи Фаррух Омонов. – Маҳаллий ўғитни қайта ишлаб, биогазга айлантириш кўп харажат ва ишчи кучи талаб этмайди. Қорамол, қўй-эчки, парранда гўнги ва бошқа маиший чиқиндилар хомашё манбаи ҳисобланади. Биогазнинг яна бир фойдали жиҳати экологик вазиятни яхшилашидир. Юртимиздаги қатор фермер хўжаликлари ҳозирданоқ биочиқиндиларга қайта ишлов бериб, биогаз ва биоўғитлар ишлаб чиқарадиган қурилмалардан фойдаланмоқда.

Биогаз 50 дан 70 фоизгача метан – ёнувчи газдан иборат газлар аралашмаси ҳисобланиб, озиқ-овқат тайёрлаш, электр ва иссиқлик энергиясини узатишда қўлланилиши мумкин. Уни ишлаб чиқариш давомида юзага келадиган чиқиндилар қишлоқ хўжалигида фойдаланиш мумкин бўлган юқори сифатли ўғит саналади.

Тадбир сўнгида иқтисодиётга замонавий энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, биогаз ишлаб чиқаришда давлат ва хусусий секторлар ҳамкорлигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш, тизимда янги истиқболли лойиҳалар яратиш борасида фикр алмашилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА



Транспорт

МАҚСАДИМИЗ – ЙЎЛОВЧИЛАРГА СИФАТЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳалар қатори автомобиль транспорти соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Автомобиль транспорти тизимини ривожлантириш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилашга қаратилган Президент Фармони ва Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль транспорти тўғрисида"ги, "Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тўғрисида"ги ва "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлари ҳамда автотранспорт соҳасига оид 130 тадан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Ушбу ҳужжатларда етарли даражада йўловчи ташишни ташкил этиш ва амалга ошириш, ташиш жараёнларининг барча иштирокчилари, яъни ҳайдовчилардан бошлаб жойлардаги ДЙҲҲ ходимлари, корхоналар раҳбарлари ва давлат бошқаруви органлари, хусусан, Агентликкача тегишли талаблар белгилаб берилган.

Энг асосийси, соҳанинг барча йўналишларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати тубдан яхшиланиб, йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлашга эришилди.

Бу борада тегишли вазирликлар ва давлат бошқарув органлари томонидан бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 16 ноябрда тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан Республикамиз ҳудудида "2016 йил 20 ноябридан 20 декабригача автотранспорт воситаларида йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ойлиги" ўтказилмоқда.

Ойлик ўтказилаётган даврда Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ходимлари амалий ишлар олиб бориб "Ҳурматли ҳайдовчи", "Ҳурматли йўловчи" плакатлари ҳамда "Махсус буклет"лар тайёрланиб "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ тизимидаги автобус сароройларига етказилди. Шунингдек, шаҳар ҳудудидаги барча туманларда баннерлар белгиланган жойларга ўрнатилди.

Шу билан бирга "Терминал авто транс" МЧЖ, "Тошкент вилояти бошбекатлари ва йўловчи шохбекатлари ишлаб чиқариш" ДУК, "QURILISHAVTOTEXTA`MINOT" шўъба корхонасига қарашли "Бобуршоҳ" автостанцияси, "Тўртинчи автохизмат" МЧЖларида тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги қонунида транспортдан фойдаланганда тозалик ва тартибга риоя этиш, ушбу транспортга тегишли мол-мулкни эҳтиёт қилиш йўловчилар зиммасига юклатилган бўлсада, улар томонидан белгиланган тартибга риоя қилмаслик, жамоат транспорти ички салонларига жиддий шикаст етказиш, шу жумладан автобус ўриндиқларига ҳар хил ёзувларни ёзиб, чизиб ва йиртиб ташлаш ҳолатлари, салон ичини ифлослантириш ва салондаги эълонларни олиб ташлаш ҳолатлари афсуски мавжуд.

Шундан келиб чиққан ҳолда агентликнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими ходимлари томонидан Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш билан шуғулланадиган автокорхоналарда йўловчи ташиш хизмати ва маданиятини ошириш бўйича доимий равишда ўзаро ҳамкорликда тадбир ва ўқув машғулотлари ўтказилиб келинмоқда. Бундан мақсад йўловчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашдир.

Садриддин ШОҚОСИМОВ,
Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими бошлиғи



ИНСОН САЛОМАТЛИГИДА ЯШИЛ БОЙЛИКЛАРНИНГ ЎРНИ

Инсон ҳаёти давомида табиатнинг беминнат саховати, инъоми ва марҳаматидан доимо баҳраманд бўлади. Шу боис, инсоният ва атроф-муҳит бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Кейинги пайтларда давлатимиз томонидан атроф-муҳит муҳофазасига бўлган эътибор янада кучайтирилиб, бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Лекин инсонларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири натижасида бир қатор экологик муаммолар ҳам келиб чиқди. Иқлимнинг ўзгариши, атмосферанинг ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши ва бошқалар шулар жумласига киради. Бундай глобал муаммоларнинг келиб чиқиши нафақат она табиатга салбий таъсир ўтказади, балки жамики мавжудот, инсонлар соғлиғига ҳам катта хавф солиб келмоқда. Турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишига, туғилаётган чақалоқларнинг нуқсонлар билан дунёга келишига ва бошқа бир қатор хасталикларнинг юзага келишига сабаб нима деган савол туғилади. Тарихий ривожланиш, тараққиёт, фан ва техника ривожи, саноат, автотранспортнинг кўпайиши, табиий бойликларнинг тезкорлик билан ўзлаштирилиши табиатга таъсирни юқори даражага етказди. Натижада атроф-муҳитнинг зарарли чиқиндилар билан ифлосланиши муаммоси келиб чиқди ва бунинг оқибатида атмосфера ҳавосининг заҳарланиши тобора кучайиб бормоқда. Ҳозирги кунда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида автотранспортнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Тошкент шаҳрида ҳаво ифлосланишининг 70 фоиздан ортиғи автотранспорт ҳиссасига тўғри келади. Маълумотларга кўра, шаҳар атмосфераси океан устидаги атмосферага нисбатан 150 марта ифлосланган экан. Шундан кўриниб турибдики, инсон саломатлигига таъсир этадиган турли хил касалликларнинг 65 фоиз атмосфера ҳавосининг ифлосланганлигидан юзага келмоқда. Масалан, шаҳарлар ва саноат туманларида кишилар ўртасида сурункали бронхит, нафас қисиши ва ўпка раки касалликларининг кўпайиши кузатилмоқда.

Агар ҳавода олтингугурт оксиди кўп тўпланиб қолса, кишиларда бронхит, гастрит, ўпка касалликлари вужудга келади. Углерод оксидининг ҳавода кўпайиши натижасида киши организмида гемоглобин камаяди, юрак қон-томир тизимлари бузилади, бош айланади, юрак тез уриб, уйқу бузилади. Водород сульфид газининг ортиб кетиши натижасида одамларнинг боши оғрийди, қайт қилади, дармонсизланади, ҳид билиш қобилияти заифлашади, фтор бирикмалари таъсирида бурундан қон келади, тумов пайдо бўлади.

Шаҳарда инсон соғлиги учун зарарли атмосфера ҳавосидан кейин салбий таъсир қилувчи иккинчи омил бу шовқиндир.

Катта шаҳарлардаги шовқин инсон атроф-муҳитдаги салбий ўзгаришлар инсон соғлигига ёмон таъсир кўрсатаётган экан, келиб чиқаётган зарарларнинг олдини олиш чораларидан бири атроф-муҳитни кўкаламзорлаштиришдир. Ўсимликлар атроф-муҳит санитария-гигиена ҳолатини яхшилайди, шамол кучини пасайтириб, шовқинни пасайтиради, ҳавони тозалаб, ҳароратни мўътадиллаштиради, шунингдек, инсонлар соғлиғини яхшилашга ёрдам беради. Шундай экан, атроф-муҳит озодалигини сақлашнинг чораларидан бири аҳоли ўртасида экологик таълим ва маданиятни шакллантириб боришдир. Бу албатта, келажак авлоднинг соғлом, бақувват ва баркамол ўсишини таъминлайди.

Мадина МУСАЕВА,
Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти услубчи шифокори



БОҒЛАРИМИЗ ҲУДУДИ ОБОДОНЛАШТИРИЛМОҚДА

Ўсимлик – бизнинг атрофимизда, кўз ўнгимизда — хонадонимиздаги дераза токчаларида, стол устида, ҳовлимизда, кўчаларда, далаларда, боғ-роғларда, ўрмонларда ўсувчи ва кўзимизни ҳамиша қувнатувчи яшил манзара ҳисобланади. Яшил ўсимликларнинг энг аҳамиятли томони шундаки, у ҳаёт учун зарур бўлган кислород манбаидир.

Шу билан бирга, яшил ўсимликлар ҳавони тозалайди, теварак-атрофимизга гўзаллик, чирой, эстетик завқ бағишлайди. Масалан, хиёбонлар, боғлар, гулзорлардаги дов-дарахтлар муҳит ҳавосини турли хил газлардан, тутун ва чанглардан тозалайди. Транспорт шовқин-суронларини пасайтиради, иқлимни юмшатади.

Яшил олам кишилар руҳиятига ёқимли таъсир кўрсатади, унинг ҳаёт тарзини кўтаради ва эстетик тарбиясининг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Жумладан, шаҳримиз ҳудудида бир нечта маданият ва истироҳат боғлари мавжуд бўлиб, улар сирасига Тошкент Ҳайвонот боғи, Ўзбекистон Миллий боғи, Абдулла Қодирий боғи, Бобур боғи, Мирзо Улуғбек боғи, Ғафур Ғулом боғи ва Гулшан маданият ва истироҳат боғлари киради.

Пойтахтимизни кўкаламзорлаштириш учун ҳар йили икки маротаба кўчат экиш акцияси ўтказилади. Биргина бу йилги, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 3 мартдаги тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан 2016 йилда Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тизимидаги муассаса ва ташкилотлар ҳудудларида мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, маҳаллалар ҳудудларида ҳар хил турдаги мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатларини экилиш режаси белгиланди.

Шунга асосан, 2016 йил дарахт кўчатларини экиш мавсумида Ҳайвонот боғи ҳудудига жами 520 дона, шундан 270 донаси манзарали, 250 донаси мевали, Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудига жами 390 дона, шундан 240 донаси манзарали, 150 донаси мевали, Бобур боғида жами 422 дона, шундан 249 донаси манзарали, 173 дона мевали, Мирзо Улуғбек боғида жами 422 дона, шундан 248 донаси манзарали, 173 донаси мевали, Ғафур Ғулом боғида жами 427 дона, шундан 249 донаси манзарали, 179 донаси мевали, Гулшан боғида жами 73 дона, шундан 37 донаси манзарали, 36 донаси мевали дарахт кўчатлари экилиб, боғларимиз ҳудудлари янада кўкаламзорлаштирилди.

Ушбу дарахтлар фақат мазкур боғларда дам олувчи фуқароларимизга соя-салқин бериб турмасдан, инсонлар учун зарур бўлган кислородни ҳам кўплаб ишлаб чиқаради.

Шу билан бирга улар ўзларининг манзарали кўриниши билан атроф-муҳит мувозанатини бойитади.

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги кунда барча ҳудудларда ушбу турдаги дов-дарахтларга бой "Яшил масканлар"ни яратишга оид аниқ чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда, бу эса ўз навбатида албатта ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли ҳамда пойтахт меҳмонларининг нафақат кўзини қувнатади, балки уларнинг ички руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Шаҳло АБДУЖАЛИЛОВА,
Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш гуруҳи мутахассиси

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 16 ноябрда "Тошкент шаҳрининг марказий кўча ва хиёбонларида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экишни ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида" фармойиши қабул қилинган бўлиб, унга кўра Тошкент шаҳрида дарахт ва бута кўчатлари экилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш мақсадида "Кўчат экиш штаби" ташкил этилган.

ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳрида кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, жамоатчилик кўмагида аҳоли турар жойлари, кўчалар ва бошқа ҳудудлардаги санитария ва экологик ҳолатини янада яхшилаш, шаҳар табиатига мос бўлган дарахт ва бута кўчатларини экиш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар бош режасига асосан, архитектура ва ландшафт-дизайн талаблари асосида шаҳарга кўрк берувчи ноёб турдаги йирик ҳажмли манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш гуруҳи давлат нозирлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги Қонунларининг бажарилиши борасида 2016 йил ноябрь ойи давомида бир қанча самарали ишлар амалга оширилди.

